

# А.Каримов: Ўзбекистон ташқи майдонда ўз ўрнини кучайтиришда давом этади



Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган мурожаатномасида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кейинги истиқболларига алоҳида эътибор қаратди. Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида, халқимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, сўнгги йилларда олиб борилаётган фаол, очик ва прагматик руҳдаги курсни давом эттиради.

Президент келтириб ўтган фикрлар Ўзбекистонни жаҳон хамжамияти ва халқаро муносабатлар тизимиға жадал интеграция жараёнини кучайтиришини билдирибгина қолмай, ташқи майдонда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ўз ўрнини мустаҳкамлашга бўлган қатъий интилишларида бардавом бўлиши ҳақидаги ғояни ҳам ифодалайди.

Албатта бу, аввалимбор, халқимизнинг олий манфаатларига, унинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига ва иқтисодиётимизни тубдан технологик модернизация қилишга хизмат қиласди. Зотан хеч бир мамлакат ташқи олам, хусусан, дунёнинг етакчи мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини боғламай ўз тараққиётида юксак мэрраларни забт этиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, ташқи сиёсатда мамлакатимиз учун Марказий Осиё минтақаси устувор ахамиятини сақлаб қолади. Зоро, Тошкентнинг муштараклик руҳидаги минтақавий сиёсати ўзининг кенг амалий натижаларини кўрсатмоқда.

Бу минтақада ҳукм сураётган ижобий сиёсий муҳитда ва Ўзбекистон атрофида барқарорлик камари мустаҳкамланаётганлигига акс этмоқда. Яхши қўшничилик муносабатлари фойдали иқтисодий шерикчилик алоқалари билан янги мазмун ва шакл касб этиб бораяпти. Ва бунда мамлакатимизнинг асосий савдо ҳамкорлари ичida ҳам минтақа давлатлари ўрин эгаллаганликларини эътироф этиб ўтиш жоиздир.

**Азиз Каримов**

**СМТИ етакчи илмий ходими**